

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ИШ ЎРИНЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Расулов Шавкат Шароф ўғли

ЖизПИ., Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада республикамызда сўнги йилларда аҳолининг иш билан бандлиги бўйича ҳозирги кун таҳлили, аҳолини иш билан таъминлашнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар ёритилган.

Калит сўзлар: аҳоли, бандлик, меҳнат бозори, иқтисодиёт, диверсификация, иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли, меҳнат ресурслари, кадрлар.

Annotation: the article covers the current analysis of employment of the population in recent years in our republic, the role of employment of the population in the development of the country's economy, the reforms carried out to ensure employment of the population.

Keywords: population, employment, labor market, economy, diversification, economically active population, economic inactive population, labor resources, personnel.

Мамлакатимиз томонидан мамлакатда сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотлар амалга ошириш учун, аҳоли бандлигини йўлга қўйишнинг назарий ва амалий механизмларини ишлаб чиқилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасида минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, аҳолини ўсиши омилларини, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқбол йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шаклларини кенг тадбиқ этиш орқали аҳоли бандлигининг

ўсишини таъминлаш каби вазифаларни бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони, бандлик соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда янгича ёндашувларни жорий этиш, жумладан, давлат ва хусусий бизнес ўртасидаги ҳамкорликка асосланган ҳолда меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, ишсиз аҳолини, айниқса, ёшларни ишга жойлаштиришда самарали чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари сони 2022 йил январ-июн ойларда жами 19,4 млн кишини [ташқил этган](#).

Республика иқтисодиётида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши бевосита меҳнат бозорининг самарали фаолиятига, унинг таркибий-миқдорий ва сифат кўрсаткичларига таъсир этмоқда. Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўладики, 2022 йилга келиб аҳоли мутлақ миқдорининг ўсиши 2000 йилга нисбатан 25,1%га кўпайгани ҳолда, шу давр мобайнида иқтисодиёт тармоқларида бандлар сони 79,3 %га ортган. Мустақиллик даврида меҳнат ресурслари миқдорининг ўсиши (75,9 %) иқтисодиётда бандлик даражасининг ўсишидан юқори бўлди. Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки меҳнат ресурслари сони 2022 йил 2000 йилга нисбатан 391,4 яни 75,9 %; меҳнат ресурслари жами аҳоли сонига нисбатан 2022 йил 116,8 яни 16,8 %; иқтисодиётда бандлар сони эса 77,3 %; иқтисодиётда бандлар сони жами аҳоли сонига нисбатан 2022 йилда 14,3 % ошганлигини, фақатгина 2022 йил иқтисодиётда бандлар жами меҳнат ресурслари 2000 йилги сонига нисбатан 0,5 % пасайганини кўришимиз мумкин бўлади.

Кузатув натижасига кўра аҳоли бандлиги масалалари борасида қуйидаги ҳолатлар ва муаммолар аниқланди:

✚ муносиб ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг етишмаслиги, ёшларни жумладан, олий маълумот ёки иш стажига эга бўлмаган ёш кадрларни ишга жойлаштиришларидаги қийинчиликлар;

✚ давлат рўйхатидан ўтмасдан норасмий равишда тадбиркорлик фаолият турлари (озик-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, ширинликлар ва миллий таомлар, мева ва сабзавотларни консервация қилиш, уйда нон ёпиш ва ноозик-овқат товарлари билан савдо қилиш, мебелларни таъмирлаш, дераза ва эшик ромларини тайёрлаш, қурилиш ишлари, хизматлар амалга оширувчилар, жумладан: хонадонларда чакана савдо, автомобиллар, сантехника ва бошқа турли маиший хизмат техникаларини таъмирлаш, косибчилик, бичиш-тикиш каби хизматлари ва бошқалар) билан шуғулланиши кузатилди;

✚ қишлоқ жойларда яхши ҳақ тўланадиган доимий иш ўринларининг мавжуд бўлмаганлиги сабабли ёшларнинг хорижга меҳнат қилиш учун чиқиб кетишлари.

✚ Аҳоли бандлигини ва иш ўринларини ташкил этиш бўйича кўйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

✚ Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳоказо)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этиш, шунингдек олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ўқув юртларининг мутахассислик тайёрлаш тизимини қайта кўриб чиқиш, уларни бугунги кунда энг долзарб мутахассис ва кадрлар етказиб беришига йўналтириш. Рақамли ва инновацион иқтисодиётга ўтишда яратилаётган иш ўринларининг сифатига (юқори технологик соҳаларга) ҳам эътибор бериш ва ишчи кучини расмий экспортини кенгайтиришнинг мақсадли йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

✚ Республикада олиб борилаётган норасмий сектор объектларини легаллаштириш жараёнини давом эттириш баробарида ушбу расмий секторга ўтказилган хўжалик субъектларига расмийлаштиришда дуч келадиган муаммоларни бартараф этиш бўйича худудий меҳнат органларида малакали мутахассислардан иборат маслахатхоналар тузиш ва бу жараёнларни мониторинг қилиш;

✚ Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун қулай бозор шароитларини яратиш шунингдек, кўпроқ ишсизлик даражаси ортиқ бўлган худудларда янги иш ўринларини ташкил қилиш ва ёшларнинг ўзини-ўзи иш билан таъминлашининг ҳар қандай кўринишини (албатта қонун доирасида) ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Тадбиркорликни бошлашни режалаштираётган ёшлар учун пухта ишланган бизнес режалар ишлаб чиқишда Савдо-саноат палатасининг ахборот-маслаҳат марказлари ва бошқа консалтинг хизматларини фаоллаштириш;

✚ Ўрганишлар натижасига кўра иш билан банд бўлмаган аҳоли орасида касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашмаслигининг асосий сабаби - ушбу касбларни (ихтисосликларни) битирган ёшларнинг билими меҳнат бозори талабларига жавоб бермаслиги яъни билим ва кўникманинг етарли эмаслиги билан боғлиқдир. Шулардан келиб чиқиб ихтисосликларни ўзлаштирилиши мураккаблигини эътиборга олган ҳолда дифференциаллашган, турли муддатли (3, 6 ва 12 ойлик) касб-ҳунарга тайёрлаш ўқув курсларини ташкил этиш (хусусан аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига мансуб ёшларни касб-ҳунарга ўқитишда ижтимоий контракт тизимини татбиқ этиш);

✚ Қўшимча иш ўринларини таъминлаш шунингдек аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида қишлоқ жойларда кўрсатиладиган хизматларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, қуриштириш ва қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш;

✚ Уюшган миграция тизимини яхшилаш борасида: туманлар миқёсида меҳнат мигрантлари учун ўқув семинарларини ташкил этиш, уларни миграцияга доир қонун ҳужжатлари билан таништириш; меҳнат мигрантларига патент олиш (чет элда ишга жойлашишлари учун рухсат берувчи зарурий ҳужжатларни расмийлаштиришларида) амалий ёрдам кўрсатиш (шу жумладан мигрант кетадиган давлат қонунчилиги доирасида зарурий ҳужжатларни масофавий тарзда рўйхатдан ўтказиш, мигрант кетадиган давлатда дархол иш бошлашига, ҳамда шу давлатининг қонунини бузилиши ҳолатларини олдини олишга хизмат қиладиган рухсатноманининг дастлабки вариантини олиш);

Иш билан банд аҳолининг асосий қисми қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги ҳиссасига тўғри келаётганлиги, аҳоли орасида бандликнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришда катта заҳиралар мавжудлигини кўрсатади. Бундан ташқари аҳоли орасида бандликни таъминлаш бўйича юқори ўсиш суръатлари хизмат кўрсатиш соҳасида, яъни ташиш ва сақлаш, молия ва суғурта фаолияти, қурилиш ва савдо соҳаларида кузатилаётган бўлиб, катта маблағ талаб қилмайдиган, арзон ишчи ўринлари яратишда беқиёс имкониятларга эга ушбу соҳаларни ривожлантириш, иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ривожланишда орқада қолаётган минтақаларда бандлик даражасини ошириш учун кенг имкониятларни яратади. Бу эса ҳар бир минтақада, иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқишда юқорида келтирилган жиҳатларни ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Uglu, R. S. S. (2021). Analysis of economic reforms increasing labour resources in the republic of uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(11), 390-396.

2. Расулова, Ш. Г. (2019). Важность организационно-экономических мер по повышению экономической активности населения. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (3-8), 95-100.

3. Расулова, Ш. Г. (2019). Экономическая политика государства и повышение ее эффективности, направленные на повышение экономической активности населения в узбекистане. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (3-8), 90-95.